



ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 106 (9.909)

2003 йил 2 июнь

МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИ

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. 30 май (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Нева дарёсида турган «Силвер Виспер» кемада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида қатнашди.

Музокарада Ҳамдўстликни ривожлантириш масаласи муҳокама этилди. МДХ ҳудудида иқтисодий интеграцияни кучайтириш, айниқса, эркин савдо зонасини барпо этиш масаласига эътибор қаратилди. Айни ҳоқда энергетика ва транспорт инфратузилмалари соҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда умумий аграр бозорга асос солиш муҳимлиги ҳам қайд этилди.

Президентлар халқаро муаммолар, жумладан, Ироқдаги вазиятга доир масалаларни ҳам муҳокама қилди. БМТнинг Ироққа нисбатан жорий этилган иқтисодий жазо чораларини бекор қилиш тўғрисидаги резолюцияси маъқулланди.

Музокаралардан кейин МДХга раислик қилаётган Украина Президенти Леонид Кучма журналистлар билан учрашиб, ушбу норасмий саммит Санкт-Петербург юбилейи муносабати билан ўтказилганига қарамай, амалий руҳда, қизгин ва самарали бўлганини таъкидлади.

Шу йилнинг сентябрида бўлажак Ялта саммити эркин савдо зонасини барпо қилишнинг биринчи босқичига яқин яшашига Президентлар ишон билдирган. У вақтга қадар Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар тегишли қонун ҳужжатларини мослаштириш ва мувофиқлаштириш чораларини кўради. Зотан, шу йил февраль ойида бўлган Киев саммитида МДХ мамлакатлари шундай вазифани ўз зиммасига олиб, 2003 йили эркин савдо зонасини яратиш масалаларига бағишлаган қарор қилган эди. Бу борада Президентларнинг фикри бир жойдан чиққанлиги айтилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов кемадаги тadbирлардан кейин Санкт-Петербург юбилейи муносабати билан саммит қатнашчилари томонидан Пётр Биринчи ҳайкали пойига гул қўйиш маросимида қатнашди. Президентимиз Нева соҳилидаги шаҳарнинг 300 йиллигига бағишланган бошқа тadbирларда ҳам иштирок этди.

XVI сағоси
аср

Берча навлардан олган сувни забарра

Мамлакатимизда

- Республикаимизнинг «Рахнамо» компанияси самарали фаолияти учун Европа маркаси ва Халқаро ишбилармонлар ташкилотининг махсус совринига сазовор бўлди.

- Наманганда «Ўзселектанасосмаш» Ўзбекистон-Словакия қўшма корхонаси фаолият бошлади. Бу ерда юқори самими турли насослар, уларга эҳтиёт қисмлар ва тазалаш иншоотлари ишлаб чиқарилади.

- Сурхондарё вилоятида республикада биринчи бўлиб бошқоқ дон экинлари ўрими бошланди.

- Тошкентдаги «Шертон» меҳмонхонасида болалар учун янги нашр — «Бэби-Терра» журналининг тақдимот маросими ўтказилди.

- 5 июнда Андижон шаҳрида «Баркамол авлод» республика спорт мусобақаларининг финал босқичи бошланади. Шу муносабат билан Андижон шаҳрида Олимпия захиралари спорт коллежи кад ростилади, унинг ёнида 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион барпо этилди.

- Кеча «Жар» спорт-соғломлаштириш марказида қаратэ бўйича Ўзбекистон чемпиони беллашувлари бўлиб ўтди.

Жаҳонда

- Кеча Францияда «Катта саккилик»ка кирувчи мамлакатлар саммити бошланди. Иқтисодиёт, барқарор ривожланиш ва хавфсизлик масалалари кўриб чиқиладиган ушбу анжуманда халқаро терроризмга қарши кураш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик йўналишларига алоҳида эътибор қаратилди.

- Санкт-Петербург шаҳрига асос солинганга 300 йил ўтлиши муносабати билан ушбу шаҳарда ўтказилган тантаналар давомида Конгресслар саройи ва 20 йил ичида қайтадан тикланган беназир Янтар хонасининг очилиш маросимлари ҳам бўлиб ўтди.

- Хиндистонда қуёш тутилиши ҳодисаси рўй берди.

- Москвада Пётр I таваллуди кuni муносабати билан салютлар паради ушатирилди.

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
хабарларда

□ **БУГУН** ўрта махсус касб-хунар таълими тизимидаги ўқув муассасалари ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Баркамол авлод—2003» спорт мусобақаларининг финалида қатнашиш учун Тошкент шаҳри терма жамоаси аъзолари Андижон шаҳрига жўнаб кетишди.

□ **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Камолот» ўйингоҳида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси бошчилигида «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани ташаббуси билан Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган болалар ўртасидаги теннис мусобақаларининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

□ **«СЕН** ёлғиз эмассан» Республика жамоатчилик жамғармаси ташаббуси билан бир ой давомида ўтказилган «Сен инсонсан» хайрия марафони нихоясига етди. БУГУН жамғармага қарашли ўқув марказида тadbирнинг асосий сабабчилари — пойтахтимиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хомий ташкилотлар иштирокида марафоннинг ёпилиш маросими бўлиб ўтди.

□ **БУГУН** «Тошкентленд» боғида «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлари тарбияланувчилари учун хайрия тadbiri ушатирилди.

□ **БУГУН** 31-меҳрибонлик уйида мазкур даргоҳда таълим олган 9-синф битирувчилари иштирокида «Хайр энди» деб номланган битирув кечаси ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Кеча Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кuni муносабати билан шаҳримиздаги барча сўлим гўшалар, маданият ва истироҳат боғлари ва сайилгоҳлар ширинтой болалар билан гавжум бўлди.

Болалар шодлиги оламни тутди

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилган болалар учун катта байрам шодияналари Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон миллий боғи, «Боғи Эрам», Бобур, «Оймома» боғларида эрта тонгдан қарнай-сурнай, ноғора наволари билан бошланди.

Шу кuni ушбу боғларга шаҳримиздаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, но-

гирон, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бошқа болажонлар ота-оналари билан ташриф буюрдилар. Байрам тантаналарида болажонлар асфальтга расм чизиш, шарлар учуриш ва турли хил спорт ўйинлари, оилавий мусобақаларда иштирок этиб, голиблар совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, боғларда «Томоша», «Бинафша» болалар дасталари ижросидаги куй-қўшиқлар, мультфильм қаҳрамони Микки Мауснинг қиқишлари болажонлар қалбига бир олам қувонч бағишлади. Шу кuni боғлардаги турли хил аттракционлар болаларга бепул хизмат кўрсатди. Шунингдек, уларга байрам совғалари топширилди. Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида ҳам ЮНЕСКО томонидан болалар учун санъат гуначалари ижросида катта концерт томошалари намойиш қилинди. Хуллас шу кuni болажонлар дилдан қувнаб ўйнашди. Уларнинг шодликлари, қувноқ кулгулари оламни тутди.

Дилором ИКРОВА
СУРАТЛАРДА: шаҳримиз боғларида ўтказилган байрам шодияналаридан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.



Саноат

**ИШЛАБ
ЧИҚАРИШГА
ТАТБИҚ ЭТИЛДИ**

Республикада қимматли қозғаларнинг қатор аёло сифатли янги турларини тайёрлаш технологияси яратилди.

Табиий йақ чикиндиларидан хом ашё сифатида фойдаланишда бу янгилик Тошкент тўқимачилик ва янгилик саноати институти олимлари изланиши маҳсули бўлди.

Бу хил қозғаларнинг босма-техник хоссаларини ўрганиш жараёни эса Германиядаги Берг университети мутахассислари томонидан амалга оширилди. Немис олимлари мазкур тадқиқот матбаа саноатида ўзига кенг йўл очишга қарор бердилар.

Бу технология Тошкент қозғ фабрикаси ишлаб чиқариш негизда ўзини тўла оқлади.

Транспорт

**БРИГАДА
ПУДРАТИ
АСОСИДА**

«Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси корхона ва саройларда транспорт воситаларида унумли фойдаланиш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда.

Транспорт корхоналарида бригада пудрати ташкил этила бошланганлиги ҳам нур устига аёло нур бўлди.

Бундай янгиликка учинчи трамвай-троллейбус саройи жамоаси биринчилардан бўлиб киришди. 6- ва 13-трамвай йўналишларида тузилган ҳайдовчилар бригадалари ўз хизмат ваазифаларига сикдикилдан ёндошиб, яхши иқтисодий самарадорликка эришилди.

Бригада пудрати туфайли мазкур сарой транспортчиларининг ойлик маошлари деярли икки баробарга кўпайди.

Уюшма бошқаруви саройнинг бу борадаги тажрибасини бошқа корхоналарда оммалаштириш тадбирини ишлаб чиқди. Шунингдек, сарой негизда илгор тажриба мактабини очиб кўзда тутилди.

Мибийёт

**«БИОПЛАНТЕК»
ИЛТИМОСИ
ҚОНДИРИЛДИ**

Бугунги кунда Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институтида қатор янги хил доридармонлар яратилмоқда. Бу изланиш натижаларини саноат асосида амалиётга татбиқ этиш мақсадида кўшма корхона ташкил этилган.

Бу ерда янги ҳосил қилинган препаратларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ёзу баргларидан олинган доривор модда асосида ҳосилдорлигини оширишда ишлатилган янги препарат ҳам юзга келди. Ундан пахтачиликда кенг фойдаланиш мумкин.

Самарали ва истиқболли деб топилган мазкур изланишга хорижда ҳам қизиқиш ортди. Жанубий Кореянинг «Биоплантек» фирмаси ҳам бу ишланмани ўзида синаб кўришга қарор қилди.

Ақбар АЛИЕВ

1992 йилдан МДХ мамлакатларида хусусийлаштириш ва ер ислохотлари бошланиши муносабати билан ХМК ўзининг техник ёрдам лойиҳаларини амалга оширишга киришди.

Хозирги вақтда корпорация йирик сармоядор ва таъминотчи компанияларнинг ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш; корпоратив бошқарув амалиётини такомиллаштириш ҳамда кичик ва ўрта тадбиркорлик учун фаолият муҳитини яхшилаш каби тўрт асосий йўналиш бўйича техник ёрдам дастурини амалга оширмоқда. Марказий Осиёда ХМКнинг техник ёрдам дастури 2001 йилнинг охиридан Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистонда хусусий секторни ривожлантириш мақсадида фаолият кўрсата бошлади.

ХМКнинг Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни (КЎБ) қўллаб-қувватлашнинг дастури ишлаб чиқилган. Сабаби, КЎБ бутун иқтисодий самарадорлигини оширишга салмоқли таъсир ўтказа оладиган ва ўтказиши керак бўлган етакчи кучдир. Мамлакатда бу соҳани ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тараққиётга ҳам кудратли туртки беришига ҳеч ким шубҳаланмас керак. КЎБ аҳолининг кенг қатламлари учун даромад манбаи ҳам, малакаси унча юқори бўлмаган одам учун меҳнат бозори ҳам, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос мактаби ҳам, ўрта синфни шакллантириш учун кенг имкониятли негиз ҳам ҳисобланади.

Расмий статистикага кўра, бошқа мамлакатларда КЎБ раванқининг қийёти таҳлили шуни кўрсатадики, масалан, АҚШда ҳар 1000 кишига 74 та КЎБ субъекти тўғри келади. Европа Иттифоқи мамлакатларида бу рақам 45, Россияда эса 6 нафарни ташкил этади. Ўзбекистонда жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра бу кўрсаткич 7 нафарни ташкил этаркан. Ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам кичик ва ўрта бизнес фаолияти ривожланишига ҳалал бераётган айрим муаммолар бор. Ана шу муаммоларни аниқ-

лаш ниҳоятда зарур эканлигини эътиборга олиб, ХМК Ўзбекистон ҳукуматининг кўмағида мустақил тадқиқот ўтказди. Сўров республикада кичик ва ўрта бизнес сектори тадқиқотларига доир лойиҳага бийноан амалга оширилди. Мазкур лойиҳанинг ташаббускори ХМК бўлиб, уни корпорациянинг «Хусусий секторни ривожлантиришда шериклик» бўлинимаси бажармоқда. Иқтисодий алоқалар бўйича Швейцария давлат котибияти (Seco) билан биргаликда «Шериклик» бўлинимаси ўтган йил охиридан бўён Марказий Осиё мамла-

баига муқобил кредитлаш сифатидаги лизинг хизматларини янада ривожлантириш учун мазкур минтақадаги мамлакатларда кулай инвестицион муҳитни вужудга келтиришда техникавий кўмаклашишди. Бу ташаббус Швейцария Иқтисодий алоқалар давлат котибиятининг (Seco) молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли амалга оширилди. ХМК лизинг хизматларининг ривожланган бозорида одатда техникавий кўмаклашиш лойиҳаларини алоҳида лизинг компанияларини инвестициялаш билан қўшиб олиб боради. Кейинги 30 йил ичида ХМК дунёдаги 50 та мамлакатнинг лизинг компанияларига киритган инвестицияларининг умумий ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Кўп ҳолларда ХМК у ёки бу мамлакатда биринчи лизинг компаниясининг таъсисчиларидан бири бўлмоқда. Масалан, Ўзбекистонни олайлик. Бу ерда 1995 йилда биринчи лизинг компанияси — «Ўзбеклизинг» Интернешнл АО» ташкил этилди. Унга Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки, ЕТТБ ва «Мэй-банк» қаторида ХМК ҳам муассис бўлган.

Кўпинча лизинг иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатлар учун ўзгартириб бўлмайдиган молиявий воситалар, деган фикр юради. Шундай бўлса-да, АҚШ ва Канада сингари мамлакатларда ҳам лизингдан жуда кенг миқёсда фойдаланила-япти. Масалан, АҚШда амалдаги ҳар 3 та компьютердан 1 таси лизинг муносабатлари объекти ҳисобланади. Тиббиёт асбоб-ускуналарининг 10 фоизидан 30 фоизигача лизинг олувчилар томонидан ишлатилади.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Жаҳон банки ташкилотлари гуруҳига кирувчи Халқаро Молия Корпорацияси Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам ўз ўрнига эга. Бундан эса юртимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва ўрта бизнес тадбиркорларига кенг имкониятлар очилса, охир-оқибатда давлатимиз, халқимиз наф қўради.

Бахтиёр АТАМУРДОВ,
Тошкент Молия институтининг
2-курс магистранти.

• ИҚТИСОДИЁТ

**КИЧИК ВА
ЎРТА БИЗНЕС
ИНВЕТОРИ**

Халқаро Молия Корпорацияси (ХМК) — Жаҳон банки гуруҳининг инвестициялар билан шуғулланадиган мустақил бўлинимасидир. У иқтисодий ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлар хусусий секторни кредит билан таъминлаш ҳамда қисман молиялаштириш билан шуғулланади ва бу мамлакатлардаги энг йирик кўп томонлама сармоядор ҳисобланади. ХМК ташкил топган 1956 йилдан бўён дунёнинг 140 мамлакатидидаги 2825 корхона молиялаштиришга 34 миллиарддан зиёд маблағ ажратди ва синдикатлаштириш дастури орқали яна қўшимча равишда 21 миллиард доллар жалб этилган.

катларида кенг кўламдаги техникавий кўмаклашув дастурини амалга ошириб келмоқда.

Шу билан бирга ХМК ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатлардаги реал секторни ривожлантиришда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этадиган молия воситаларидан бири — лизинг хизматларини кўрсатишга ҳам кўмаклашади. 2001 йил охирида ХМК Марказий Осиёдаги тўртта давлатда (Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон) лизингни ривожлантириш бўйича кенг кўламли лойиҳани амалга ошириш ташаббуси билан чиқди. Ушбу лойиҳадан кўзда тутилган асосий мақсад корхоналарни, айниқса КЎБни молиялаштириш ман-


**ХОНАДОНИНГИЗ
ФАЙЗИ**

Хонадонингизнинг шинам ва кўркамлигини дид билан ишланган, айнан керакли бўлган мебель жиҳозлари янада очади. Бунинг учун эса маҳсулот фақат хорижники бўлиши шарт эмас...

Негаки бугунги тадбиркорлик фаолияти учун кенг имкониятлар яратилган бир пайтда ранг-баранг, бежирим ва кулай мебеллар мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган кичик ва қўшма корхоналарда тайёрланаёпти. Муҳими эса ушбу маҳсулотлар дизайни, сифати, рақобатбардошлиги билан хорижникидан асло қолишмайди. Улар республика-мизда ўсадиган ёнғок, чинор каби дараклардан тайёрланаётгани боис ҳам мустаҳкам ва чиroyилдир.

Пойтахтимиздаги «Турон продуктион» фирмаси ҳам ана шундай жамоалардан саналиб, ўзининг қисқа фаолияти давомида бу ерда меҳнат қилаётган мебелсозлар томонидан сидқидилдан тайёрланаётган стол-стол, офис ва идора мебеллари бююртмачиларни мамнун этмоқда.

— Мбелсозларимиз бююртма асосида барча турдаги мебель жиҳозларини тайёрлаб беришмоқда, — дейди корхона раҳбари Маъмуржон Қурбонов. — Биз асосан бозорни ўрганамиш, бугун харидорларимизга қандай маҳсулотлар маъқул келишини, уларнинг эҳтиёжларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратамиш. Шаҳримиздаги 10 дан ортиқ мебель




савдоси билан шуғулланувчи дўконлар билан шартнома-ларимиз бор. 10 турдан зиёд маҳсулотларимиз шу дўконлар орқали харидорга етказиб берилмоқда.


Жорий йилда мебелсозлар мактаб, лицей ва коллежлар учун мебель жиҳозларини ҳам тайёрлашга киришган бўлсалар, яқин келгусида эса замонавий, янги дизайндаги ётоқхона мебеллари ишлаб чиқарилади. Албатта, бунинг учун юксак унумли хориж жиҳозларини келтириб цехларни кенгайтириш ҳам кўзда тутилган. Ана шунда ойига 15-20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти бўлади. Тайёрланган кулай, бежирим, замонавий мебель маҳсулотлари эса аҳоли эҳтиёжини қондириб, хонадонларга бай эҳтиёж бўлади.

Шоҳида БАХРИЕВА.

СУРАТЛАРДА: пармаловчи Мираҳроп Кодиров ўз ишининг усталаридан саналади, корхонанинг таъминот ишлари бўйича раҳбар ўринбосари Авазбек Турғунов (ўртада) шоғирдларига кўрсатмалар бермоқда.

Ҳажимжон Солиҳов олган суратлар.





Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

◆ АКШ маъмурияти мамлакатга виза тибан келувчи барча сайёҳу тадбиркор, умуман ҳар қандай шахс ўз суратини, бармоқ изларини ва барча ҳужжатларидан нусха топширишларини мажбурийлаштиришни мўлжаллаб турибди. Яқин кунларда мамлакатга келувчиларни ҳисобга олиш тартиби янада қатъийлаштирилади, тўғрироғи, виза тартиби қаттиқўллик билан олиб борилади.

◆ «Новости» агентлиги ахборотида ёзилишича, Ироқ аҳолиси кўлида сақланаётган барча қуроллар, 1 июндан бошлаб икки ҳафта муддат ичида мамлакатдаги ҳукмрон кўмондонлик ихтиёрига топширилиши лозим. Бу ҳақда Ироқнинг барча газеталари кўмондонлик берган баёнотга асосланиб хабар тарқатди. Эндиликда уйда қурол сақлаш ва қурол савдоси билан шуғулланиш қатъиян таъқиқланади, яъни ноқонуний ҳисобланади. Кимки бу тартибни бузса, унга қамоқ жазоси берилади.

◆ «BBC News»нинг хабар беришича, Исроил ҳукумати АКШ, Россия, БМТ, Европа Иттифоқи томонидан Яқин Шарқда тинчлик ўрнатилган бўйича ишлаб чиқилган «Йўл харитаси» дея номланувчи лойиҳани қабул қилган. Бош вазир Ариэль Шарон бошчилигида бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишидаги баҳс-мунозаралар олти соат давом этган. Гарчи 12 нафар вазирнинг етти нафари қарши чиққан бўлсада, лойиҳа қабул қилинган.

◆ Канаданинг Торонто шаҳрида яна уч киши SARS касали туфайли ҳаётдан кўз юмди ва мамлакатда ушбу хавф туфайли ҳалок бўлганлар сони 27 кишига етди.

◆ Жазиорада юз берган 6,8 балли ер қимирлаши боис ҳалок бўлганлар сони 2200 нафарга, жабрланганлар сони эса 8965 кишига етди, дея хабар беради «Рейтер» агентлиги. Бирок, мутахассислар, қурбонлар сонининг 3 минг кишига етишидан хавотирланмоқдалар. Ҳозирда вайроналар остидан тирик қолганларни қутқариб олиш ишлари тугатилиб, ҳалок бўлганларнинг жасадларини топиш ишлари давом эттирилмоқда.

◆ Тель-Авивдаги аэропортга янги контактсиз термометрлар ўрнатилди. Маъмурлар улар ёрдамида SARSдан касалланган беморларни аниқлашни режалаштирган. Исроил ССВ баёнотида айтилишича, касаллик қайд этилган давлатлардан келган авиайўловчилар агар танасидаги ҳарорат 38 даражадан юқори бўлса, қўшимча тиббий қўриқдан ўтказишга жўнатилади.

• САНЪАТ

ЧИЗГИЛАРДА ВАТАН ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Бадий академиясининг Замонавий санъат марказида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Миср фан ва таълим маркази ҳамкорлигида меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида «Камалак жилоси» расмлар қўриқ-танловидан ўтказилди.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, республикамиз вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйларининг 6 дан 16 ёшгача бўлган тарбияланувчилари иштирок этишди. Танловда ёш ижодкорларнинг 250 га яқин энг сара акварель расмлари ва амалий санъат буюмлари намойиш этилди. Танлов икки босқичда ўтказилиб, биринчи босқичда ҳайъат аъзолари вилоятлар бўйича, иккинчи босқичда Тошкентдаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг кўргазмага қўйилган расмларига баҳо бериб голибларни аниқлашди. Акварель расмлар бўйича биринчи ўрин шахримиздаги 30-меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Игорь Шевченкога, амалий безак санъати бўйича эса Самарқанддаги 10-меҳрибонлик уйи ўқувчиси Шерали Худоёровга насиб этди.

Голибларга қимматбахо совғалар, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларига эса диплом ва гулдасталар топширилди. Асарларда қадрдон ўлка, меъморчиликка оид шаҳар манзаралари, этнографик оҳанглар жозибали акс этганлигини таъкидлаш жоиз. Юшшоқ ўйинчоқларда эса болажонларнинг сеvimли эртак қаҳрамонлари катта маҳорат билан тасвирланган. — Расмларни кузатар эканмиз ҳар бир асарда кўёш чарақлаб турганини кўрамиз. Бу болаларнинг ёрқин келажигига ишонч рамзидир, — дейди Миср фан ва таълим маркази директори Элдери Халаф Шукур.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТЛАРДА: «Камалак жилоси» расмлар қўриқ-танловидан лавҳалар.



• ТАДБИРЛАР

Фарзанд тарбиясида маҳалланинг ўрни

Ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, камтар ва тарбияли инсонлар бўлиб вояга етишларида маҳалланинг ўрни каттадир. Шунинг учун ҳам маҳаллаларда турли мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари тез-тез ўтказилиб турилади.

Юнусобод туманида жойлашган «Улугбек» маҳалласида «Фарзанд тарбиясида — маҳалланинг ўрни» мавзусида «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлимлари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамкорликда маҳаллалар фаоллари, олимлар, ёзувчи ва шоирлар иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда иштирок этган туман «Маҳалла» жамғармаси раиси Хусан Ахроров

сўзга чиқиб, ёшлар тарбиясида маҳалланинг ўрни алоҳидлиги ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида тўхталди. Шоир Маҳмуд Тоиров ўз қиссаларида ёшлиқни мусаффо тонгга ўхшатишни айтиб, ёшларни меҳнатсеварлик, ҳалоллик, Ватанга садоқат, эътиқод, фидойилик фазилатларини ардоқлашга даъват этди.

У ўзининг янги «Мендан мени сўрама» шеърини ўқиб берди.

Ёшларнинг сеvimли шoirи Сирожиддин Саид ҳам сўз олиб, ёшларимизни қадриятларимизни улуглашга ва ўз юртининг фидойи фарзанди бўлишга чакирди. У ўзининг «Рухим харитаси», «Салқин харсанглар қафтида», «Асрагил» шеърли тўпламларидан шеърлар ўқиб берди.

Тадбир давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоблар олдилар.

Шoира МУҲАМЕДОВА.

• ТАДБИРКОРЛИК

ХАРИДОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Ёш футболчи» хусусий фирмаси тадбиркорларнинг асл мақсадлари нафақат харидор эҳтиёжини қондириш, балки четдан келтирилаётган махсулот ўрнини босадиган сифатли ширинликлар тайёрлаб, аҳоли дастурхонини безаш ва иқтисодиёт ривожига ўз хиссаларини қўшишдир.

Қисқа вақт мобайнида корхонанинг Россия Федерациясидан келтирилган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларида тайёрланаётган қандолат махсулотлари тури 20 хилдан ортди.

— Жамоамизда асосан ширинликлар ишлаб чиқарилади, — дейди корхона раҳбари Насибулло Абдуллаев. — Шаҳримиздаги 60 та савдо дўконлари билан шартнома асосида ҳамкорлик қиламиз. Шунингдек, маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган махсулотларимизни қадоклашга ҳам муҳим эътибор қаратган-

миз. Айни кунларда жамоамизда 27 нафар ишчи фаолият кўрсатиб, Зухра Газизова, Гулбахор Ёқубова, Хусан Убайдуллаев каби илгорларимиз таъриба ва маҳоратларини намойён этишмоқда. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишни кўзлаяпмиз. Чунки харидорларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Бунинг учун эса цех очини режалаштирганмиз. Махсулотимизни ҳамдўстлик давлатларига экспорт қилиш асосий режаларимиз сирасига кирди.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Оромгоҳлар чорлайди

Тошкентдаги қўшимча таълим мажмуасида мактаблар қошидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг бошлиқлари, етакчилари, тарбиячилари иштирокида семинар ўтказилди.

— Баъзи ота-оналар фарзандларининг ёзги дам олиш таътилларида шаҳар чеккасидаги оромгоҳларга жўнатишни хоҳлашмайди ёки бунга имкониятлари бўлмайдими, — деди мажмуанинг маънавият ва маърифат маркази раҳбари Раъно Мадиева «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Лекин ўзлари ишда, болалар эса таътилга чиққанлиги сабабли эртадан кечга қадар бекорчи бўлиб юради. Болаларнинг бўш вақтларини мароқли ўтказиш мақсадида ташкил этилган мактаблар қошидаги дам олиш масканлари ўқувчилар учун жуда қулай. Оромгоҳлар 9 июндан ўз ишини бошлади.

Анжуманда болаларнинг ёзги таътиллари мароқли ўтказишда халқ таълими ходимларининг вазибалари, болалар билан ишлашда йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб этиш, шунингдек оромгоҳларда болалар ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда ёнгининг олдини олиш чоратадбирлари ҳамда тиббий-санитария қоидаларига риоя этиш ҳақида сўз борди.

«Туркистон-пресс»

ПАЛАТАЛАРДА

Иктисодиётимиз ривожига муҳим ҳисса қўшишга интилайтган кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хусусий тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда, уларга ёрдам қўлини қўзишда жойларда фаолият кўрсатаётган товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг ўзига хос ўрни бор. Пойтахтимиздаги Яққасарой тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида палата раиси Фуркат ФОЗИЛОВ куйдагиларни гапириб берди:

ИШОНЧ ВА ТАЯНЧМИЗ

— Бугунги кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик равнақиға катта эътибор қаратилаётган, унинг иктисодиётимиз ривожига ўрни, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги ҳиссаси аниқ-равшан кўрсатилаётган бир пайтда палатамиз ходимлари ҳам уларнинг сафларини янада кенгайтиришга, муаммоларини ечишда қўмаклашишга, ҳуқуқий ва иктисодий билимларини оширишга, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишмоқда. Палатамизга аъзо бўлган юридик шахс мактабига эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари 1456 нафарни ташкил этади. Улардан 1107 таси микрофирмалар, 308 таси кичик ва 38 таси ўрта корхоналардир. Яқна тартибдаги тадбиркорлар сони 17 нафарни ташкил этиб, аъзоларимиз ишлаб чиқариш, қурилиш, савдо, маиший хизмат ва бошқа соҳаларда фаолият юритишмоқда.

Албатта, палатамиз ходимлари ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни адо этар эканлар, тадбиркорларнинг ишончларига сазовор бўлишга интилади. Шу боисдан ҳам уларнинг турли масалалардаги ҳар қандай мурожаатлари эътиборсиз қолмайди. Жорий йилнинг ўтган ойлариди ҳуқуқий ёрдам ва бошқа масалалар бўйича 100 дан ортиқ мурожаатлар бўлди. Уларнинг барчасига керакли жавоб ва ёрдам кўрсатишга муваффақ бўлди. Ҳуқуқий масалалар бўйича 54 та иш кўриб чиқилди. Ана шулардан солиқ қонунлари бўйича 21 тасига керакли маслаҳатлар берилди, режалар текширишларда иштирок этиш, кредитлар олиш, тадбиркорларга ишончли ҳамкорликни ташкил этиш бўйича мурожаатларига ҳам ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, палатага аъзо бўлган корхона ва тадбиркорлар назорат қилувчи органлар томонидан текширилаётганда, ушбу текширувнинг қонуний ўтишини таъминлаш мақсадида палата ҳуқуқшуноси иштирок этмоқда.

Бундан ташқари тадбиркорлар сафини тўлдирётган янги ташкил этилган корхоналарнинг молиявий ҳолатини эътиборга олиб, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Текширишларни руйхатга олиш китоби», «Тадбиркорлик фаолиятини қандай бошлаш керак» рисоаларни тарқатилмоқда. Булар, албатта тадбиркорларнинг самарали фаолият юритишларида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига молиявий жиҳатдан қўмаклашиш, албатта, уларнинг иш режалари амалга оширишда, келгуси истиқболларида муҳим аҳамият касб этишини аниқлаш ҳолда уларга миллий валютада тижорат банклари орқали кредит бериш йўлга қўйилган. 2003 йилнинг 4 ойи мобайнида туманда миллий валютадаги кредитлар маблағлари ҳисобига кичик ва ўрта бизнес-

АЙТСАМ ТИЛИМ...

«БИРИНЧИ ҚЎЛ»ДАН ОЛИНГ

Кўп қаватли уйда яшаймиз. Кўпинча ишдан бориб, овқатланиб бўлгач биров дам олай деб телевизор қаршисига ўтирганингизда эшик кўнгирағи бехосдан жиринглаб қолади... Эшикни очишингиз билан ҳақиқий бозор бошланади.

Бугун ҳам худди шундай бўлди. Бир нечта сумкаларни кўтариб олган 15-16 ёшлардаги икки қиз турли буюмларни кўрсата бошлади. «Туфли оласизми? Қизларнингизга қўйлақ бор. Сарпога сочик-дастурхон олмайсизми?» Улар ҳам гапириб, ҳам сотиладиган буюмларни кўрсата бошлайди. Охири ҳеч нарса керак эмаслигини айтсан. Улар эса «Вой, опа бу нарсалар бозорда икки баравар қиммат, биз «биринчи қўл»мизда, шунинг учун арзон сотамиз. «Дом»нингизда кўпчилик бизнинг нарсаларимизни олишди» дея бири қўйиб, бири гапирарди.

— Сизларга бу нарсаларни ким олиб келади, нимага арзон бўлса бозорда сотмайсанлар? — деб сўрадим қизлардан. — Ойимиз тадбиркорлар, улар олиб келадилар, биз сотамиз, — дейишди улар. — Бозорда сотсақ сертификат сўрашди, шунинг учун уйма-уй одамларнинг ҳожатини чиқарамиз.

— Бундан ташқари биз ишлаб чиқарибмизми? — қизлар шундай дея сумкаларининг оғзини тез-тез берктишиб, жуфтани ростлаб қолишди.

— «Биринчи қўл» деса ишонибман-а, чув тушганимни қаранг, — афсусланарди қўшним.

— Ҳа, — дедим мен ҳам унинг гапини маъқуллаб. — Ана шундай шарт тадбиркорларга ўзимиз шариот яратиб беряймиз, кафолатини сўрамасдан усти ялтироқ буюмларига харидор бўляймиз. Ахир ўзимизда бундан ўн қарра сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариляптику. Бозорга борсангиз, маҳаллий маҳсулотлар қўйилган доимий кўргазмаларни кўрсангиз бунинг яққол гувоҳи бўласиз.

— Ким билади дейсиз, «хорижники», «четники» деса ҳўрозқанди ҳам ётиб ялайдиган бўп кетибмиз, — деди қўшним қўлидаги «маток»ларга нафрат билан қараркан.

Бу гапни эшитиб, ўйланб қолдим. Ахир биз харидорлар сураб-суриштиргай, уларнинг товарларини олаверганидан кейин «сохта тадбиркорлар» ҳам ҳар кўни эшик қоқаваради-да.

Шарофат БАХРОМОВА

БОЗОР ВА ХАРИДОР



ЎЗЛИГИ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Ҳар бир жамоанинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифалари бўлади. Ана шулар йўлида изланиш, меҳнат қилиш, ўзлигини намойён этиш, албатта муваффақиятлар гарови бўлади.

Тадбиркорлик билан фаолият юритаётган «Сорб-тех» корхонаси жамоаси эса бозор иктисодиёти шариоитида харидорбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, унинг турларини талаб ва эҳтиёжга мослаб янгилаб бориши асосий мақсадлари сирасига киришини жуда яхши англашмоқда. Шу боисдан ҳам корхона маҳсулотларининг бозори чаққон, баҳосини харидор бермоқда.

Корхонада асосан инсонлар саломатлиги йўлида хизмат қилувчи дори воситалари ҳамда турли хил сувени зарарсизлантирувчи ва тозаловчи фильмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Жамоанинг қисқа фаолияти даврида маҳсулотлар тури 20 тадан ортган бўлса, ана шуларнинг 10 тури ўтган йилда ишлаб чиқарила бошланган сорбентлардир. Ушбу маҳсулот сув-тузали эритмалардан металлрени ажратиб, ифлосланган ҳаво, турли газларни тозалаш

ва ичимлик ҳамда оқва сувларни тегишли санитария меъёрларига етказишда жуда қўл келади. Корхонада меҳнат қилаётган 15 нафар тадбиркорнинг асосий шiori — фандан ишлаб чиқаришгача. Шу боисдан ҳам улар ана шу мақсадни амалга ошириш йўлида тинмай изланишмоқда. Ва ниҳоят «Излаган имкон топади» деганларидек натижалар ҳам муваффақиятли бўлмоқда.

Бугунги кунда корхона тадбиркорлари саъй-ҳаракатлари билан ишлаб чиқаришга жорий этилган технология ишланмалар кўпчилигига қўл келмоқда. Улардан уй-рўзғорда ҳам, шифокор, эколог ва гидрометаллургия ҳам иш фаолиятида фойдаланилмоқда. Шунингдек, ушбу сорбентларга нафақат республикамизда, балки Россия, Туркия, Қозоғистон давлатларида ҳам харидорлар қўймоқда. Албатта, ушбу мамлакатлар билан корхонанинг ҳамкор-

лиги янада мустаҳкамланса, маҳсулот экспорти кўпайиши кўзда тутилмоқда.

Яна бир қувонарлиси ва энг муҳими корхонада хорижникидан асло қўлишмайдиган, қўллаб-қўлланган даво сифатида қўлланиши мумкин бўлган «Бакстимс» дори воситасининг ишлаб чиқарилаётганидир. У кимёвий дорилардан фарқли ўлароқ асосан доривор ўсимликларнинг мойларидан ташкил топган.

— Биз ишлаб чиқараётган «Бакстимс» ҳозирги вақтда хориждан келтирилаётган худди шу дори хусусиятига эга дорилар билан таққосланганда, унинг таъсир кучи юқорилиги маълум бўлди, — дейди корхона бош директори ўринбосари, тиббиёт фанлари номзоди Мирзарахим Алимов. — Нарҳига келсак таъсир кучи бир хил бўлган дорилардан анчагина арзонлиги билан ажралиб тура-

ТАДБИРКОР

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

РАҚОБАТ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Қудратилла, Шухратилла, Убайдулла... Булар бир-бирига ҳамкор, оталари ўғитларини ёдида тутиб, ёшлигидан меҳнатга бел боғлаган йигитлар. Шу боисдан ҳам улар тадбиркорлар учун Мустақиллик шарафати билан имкониятлар эшиги очилганида меҳнатдан, ҳаракатдан, унинг амалқатидан қўчишмади.

Халқимизда «Ети ўлаб бир кес» деган ақоиди нақл бор. Катта ака Қудратилла ҳам худди шунга амал қилди. Аввалига ака-укалар маслаҳат қилишди, сўнгра бир тўхтама келишиди: одам қилган ишни одам қила олади, фақат астойдил ҳаракат, тинимсиз изланиш, мақсадли аниқ кўра олиш керак холос. Оталари Ҳамидулла Эрдоннов кўп йиллар 159-трестда дурадгорлар бригадаси раҳбари бўлиб ишлагани боисми, ўғилларининг ҳам бу ишдан озми-қўпми хабарлари бор эди. Шунинг учун улар ўзларини ишда биринчи синаб, меъбел соҳасида фаолият юритишларини қўзғали етди. Ахир чиройли, бежирим, мустаҳкам меъбеллар ҳар бир хонадонга фойз бағишлайди. Аввалига таъбирека ясашди, кейин стул, сўнгра стол... Сифатига эътибор берилгани боис ҳам харидорлар қўяга бошладил. Ўз ишларига ишонч ҳосил қилган эса улар 1997 йилда «Эрдон-Нор» фирмасини ташкил этиб, меъбелсоз уста ва шоғирдларни ишга жалб этишди. Шу билан бирга энди оддий қўлда ясайдиган стол-стуллар эмас, хонадонлар учун ётқоҳона, меҳмонхона меъбел термалари ишлаб чиқаришга бел боғлаган ишбилармонлар бир қанча дастгоҳ ва уқуналар билан цехларни жиҳозлашга киришишди. Албатта, маҳсулот тайёрлашдан аввал сифатли хом ашё олиш йўллари қидирилди, бозор талаби ўрганилди. Шу боисдан ҳам иш бошлангач, меъбел турлари, дизайни ҳаммиша янгиликлар билан тўлдирилиб борилади.

Фирма меъбелсозлари чет эл каталоглари асосида маҳсулот тайёрлашди, лекин энг муҳими ундан нўса кўчиришмади. Унинг асосида иккунчи изланишди ва харидор талабига муҳим эътибор қаратишди. Бу борада дизайнер Шухратилла Эрдонновнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бу хизматлар ишлаб чиқарилиб, харидорларга етказиб берилган маҳсулотларда ўз аксини тоғмоқда. Пойтахтимизнинг «Оқтепа», «Юнусобод», «Ҳадра» ва бошқа савдо марказларида сотиляётган корхона меъбелларининг харидорлари сағни кенгайишмоқда. Сабаби, сифатли, рақобатбардош ва бир-бирини таққорламайдиган меъбел турларининг яратилаётганидир.

Эрта истиқболни ўйлаб меҳнат қилаётган фирмани моноси яқин келажақда «аридор буюртмасига кўра ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун ўзининг



Бугунги кунда корхонада 5 хил ётқоҳона ва 3 турдаги меҳмонхона меъбел турлари ишлаб чиқарилмоқда. «Эрдона», «Глория», «Элита», «Элионора» сингарилар ана шулар жумласидандир.

Тадбиркорларимиз сағни кенгайиб, улар орасида меъбел ишлаб чиқариш билан шуғулланаётганлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Албатта, рақобат кучли бўлса, сифатга ҳам эътибор тобора орта боради. Шу боисдан ҳам фирма раҳбари Қудратилла Эрдонновга берган «Рақобатдан қўчишмасизми?» деган саволимизга олган жавобимиздан мамнун бўлдик.

— Биз рақобатдан асло қўрқмаймиз, — деди у. — Чунки ишимизда сифатга эътиборни кўчатирилмоқда. Ҳар бир маҳсулимиз оддий ёноч, тахта билан қандай муносабатда бўлиши биледи. Нафақат дизайни янгилаймиз, балки маҳсулотимиз мустаҳкамлигини ҳам таъминлаймиз. Замон талаби, харидор дуди билан қадам-бақадом юрамиз. Яна муҳими, сифатли хом ашёдан фойдаланамиз. Кўпинча мендан «Мебелингиз қанча хизмат кўрсатади?» деб сураб қолишди. Шунда мен уларга «Мебелга қандай муносабат керак бўлса, шундай муомала қилинса, сизга қанча керак бўлса шунча хизмат кўрсатади» деб жавоб бераман. Тўғрида, баъзи одамлар меъбеларни ойнаб қўюшда, қўнлаб ёмғир-совуқда очик ҳолда сақлаб, ана сифатсиз қилиб, чидамайди, деб нолишди.

Рақобатдан қўчишмаслик учун тадбиркор ҳаммиша изланиши, янгилик излаши, харидор фикр-мулоҳазасини тинмай ўрганиши керак. Албатта, рақобатнинг бўгани яхши, чунки унда чинакамига синаласиз...

Эрта истиқболни ўйлаб меҳнат қилаётган фирмани моноси яқин келажақда «аридор буюртмасига кўра ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун ўзининг

кичик корхонасини қуриш, цехларни янада замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш, қўшимча ишчи ўринлари яратиш ниятида меҳнат қилишмоқда. Ана шунда маҳсулот турлари ҳам қўнлайди. Улар янги дизайндаги стол-стуллар, ошхона меъбеллари ва юмшоқ меъбеллар тайёрлаш устида изланишмоқда. Ҳар бир маҳсулотда янгилик яратишга интилишаватгани боис ҳам, фирма маҳсулотларига қўшни Қозоғистон, Тожикистон давлатларидан ҳам харидорлар мавжуд. Бу борада гайрат ва маҳоратларини меъбел сифатига қаратаётган Акмал Аҳрорхўжаев, Фатхулла Расулов, Умид Холмухамедов, Ҳабибулла Омонхўжаев, Фарҳод Мирсаидовларнинг хиссаларини таъкидлаш ўринли. Негаки, маҳсулотнинг харидорга маъқул келиши уларнинг сидқидил меҳнатиға боғлиқ-да.

Шуниси қувонарлики, биз тадбиркорлар билан танишиш мақсадида борган кунимизда корхонада яна бир янги маҳсулот — «Виолетто» деб номланган меҳмонхона тўплами ишлаб чиқарилган экан.

— Бу ушбу йилги янги маҳсулотимизнинг иккинчиси, — деди Қудрат ака. — Унинг устида йилгитларимиз анчагина тёр тўкишди. Албатта, баҳосини харидор беради.

Ҳа, корхонада изланишлар давом этмоқда. «Эрдона»дан «Виолетто»гача бўлган ораликда яна кўплаб меъбел турлари яратилди. Тадбиркорларнинг дадил ҳаракати, гайрат-шижоатидан шу нарса аёнки, ҳали яна кўплаб янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилиб, харидор эҳтиёжи қондирилиши, шубҳасиз. Негаки улар изланиб, имконият топаётган тадбиркорлар сирасидандир.

Шарифа ИЛЕСОВА. СУРАТЛАРДА: корхона меъбелсозларининг меҳнат фаолиятидан лаҳзалар. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

молчига хусусий тадбиркор томонидан 46 минг сўм пул қайтариб берилди. Халқимизда «Элга хизмат — олий ҳиммат» деган ибратли нақл бор. Лекин айрим тадбиркорлик билан иш юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари ходимлари бу мақолни унутиб қўйган кўринишди. Бўлмаса уларнинг хизматлари юзасидан эътирозу аризалар кўпаймас эди. Ана шундай шикоятлардан бири Чилонзор тумани, 9-мавзе, 35-уй, 5-хонадонда яшовчи М.Болиевадан тушган. Истеъмолчи «Дамачи агро» масъулияти чекланган жамияти ходимлари унга сифатсиз маиший хизмат кўрсатганини ёзган. Шикоят текшириб қўрилиб, тўғрилиги тасдиқлангач, жамият ходимлари томонидан истеъмолчи М.Болиевага 15 минг сўм моддий зарар қайтариб берилишига эришилди.

Истеъмолчи Г.Хисомова Сергели тумани, Авиясозлар мавзеси, 48-уй, 4-хонадонда яшайди. У бошқармага ёзган шикоятда сифатсиз телефон хизмати кўрсатилганини баён этган. Истеъмолчи ҳуқуқлари тикланиб, унга телефон хизмати учун тўланган 590 сўм қайта ҳисоб-китоб қилиб берилди.

Шуни таъкидлаш ўринлики, савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳам «Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»-ги қонунни тўла билсалар, хизмат кўрсатиш аризасида кўрсатилишича, «Чилонзор буюм бозори»да савдо қилувчи С.Егамқуловдан 46 минг сўмга пойабзал сотиб олган. Аммо уйига келиб маҳсулотнинг сифатсиз эканини билган. Унинг аризаси текшириб чиқилиб, истеъмолчи билан шикоятчи орасида ҳал ҳал қилинган.

Шуни таъкидлаш ўринлики, савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган тадбиркорлар ҳам «Истеъмолчи ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»-ги қонунни тўла билсалар, хизмат кўрсатиш аризасида кўрсатилишича, «Чилонзор буюм бозори»да савдо қилувчи С.Егамқуловдан 46 минг сўмга пойабзал сотиб олган. Аммо уйига келиб маҳсулотнинг сифатсиз эканини билган. Унинг аризаси текшириб чиқилиб, истеъмолчи билан шикоятчи орасида ҳал ҳал қилинган.

Ўз муҳбиримиз



НИМАДАН БОШЛАШ КЕРАК?

Мен хусусий корхонада бир неча йилдан бўён меҳнат қиламан. Эндиликда ўзим тадбиркорлик билан шуғулланишга ҳаракат қиламан. Шу боисдан ҳам тадбиркор илк қадамини нимадан бошлаши керак? Шу ҳақда билишни истайман. Албатта, бу келгуси фаолиятимда фойдали бўлади деб ўйлайман. Абдухамид Жўраев, бўлгуси тадбиркор.

Тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган ҳар бир одам иккита муҳим омилни аниқлаб олиши керак. Булар мазкур вақтдаги шарт-шароит ва ўзининг тутган ўрни ва имкониятидир.

Биринчи омил бўйича тадбиркор ўзининг иш фаолиятини корхонанинг ташқи муҳитга нисбатан қуввати ва камчилиги, шунингдек, ташқи муҳитдан келиб чиқадиган имконият ва тахлилларни инобатга олиб белгиласа мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни бирор жиддий ишни бошлашдан аввал тадбиркор қайси ишлаб чиқариш соҳасида иш юритади ва қанча пул сарфлайди, айна пайтда қайси соҳалар бошқалардан маълум даражада устунликка эга, талаб ва унинг қандай қондирилишини ҳамда бу борада ўзининг имкониятларини мукамал ўрганиб олиши мақсадга мувофиқ. Ана шунда корхона фаолияти, қандай ривожланиши ва истиқболни баҳолаш имкони бўлади.

Энди иккинчи омил хусусида тўхталадиган бўлсак, бу тадбиркорнинг нимага қодирлиги, яъни салоҳияти ва унинг қайси бир турдаги фаолиятни тўғри танлай билишидир. Хуллас, қўлдан келмайдиган, мукамал даражада бажара олмайдиган ишга қўл урмаган маъқул. Демак, тадбиркорликда дастлабки қадамни тўғри танлаш ва муваффақият йўлларини аниқ топши учун фақат ишлаш лозим. Шу боисдан ҳам тадбиркордан жуда кўп сөрмашақат меҳнат талаб этилади.

Ўз муҳбиримиз

«Тошкент
оқишони»**ХУКУҚИЙ
МАСЛАХАТХОНАСИ**

Қонунга ҳурмат ва итоаткорлик – ҳаёт мезони

(Кундалик ҳаётда учрайдиган айрим ҳуқуқий масалалар жазасидан 180 саволга 180 жавоб)

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

1.12. Қариндошлар ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари

38. Вояга етмаган, шунингдек вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти баъзида қариндошларга ҳам юклатилади, деган гап тўғрими?

Оила кодексининг 122-моддасида қайд этилишича, вояга етмаган, шунингдек вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож шахсларга таъминот бериш мажбурияти, башарти бу ишни бажариш бевосита бурчи бўлган шахслар бўлмаса ёки улардан таъминот кутиш бефойда бўлса, суд томонидан уларнинг етарли маблағга эга бўлган қариндошлари: бобо, буви, неварга, ака-ука, опа-сингил, шунингдек ўғай ота ва ўғай она, ўғай ўғил ва ўғай қиз, доимий тарбияда бўлган шахслар зиммасига юклатилиши мумкин.

39. Бобо ва бувининг ўз невараларига, шунингдек невараларнинг бобо ва бувиларига таъминот бериш мажбуриятининг моҳияти нимада?

Етарли маблағи бўлган бобо ва буви зиммасига: ота-онасидан жудо бўлган ёки улардан таъминот ололмайдиган вояга етмаган невараларига; вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож невараларига (агар уларнинг ота-онаси, эри ёки хотини, шу жумладан собиқ эри ёки собиқ хотини, шунингдек вояга етган меҳнатга лаёқатли болалари бўлмаса ёхуд бўлса ҳам улардан таъминот учун маблағ ололмаса) таъминот бериш мажбурияти юклатилиши мумкин.

Уларнинг вояга етган болаларидан ёки эридан (хотинидан), шу жумладан собиқ эридан (собиқ хотинидан) таъминот ололмайдиган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож бобо ва бувига таъминот бериш мажбурияти вояга етган, меҳнатга лаёқатли, етарли маблағга эга бўлган неваралар зиммасига юклатилиши мумкин (**Оила кодексининг 123 ва 124-моддалари**).

40. Бошқа қариндошлар (шахслар) томонидан таъминот бериш қай тарзда амалга оширилади?

Ака-ука ва опа-сингилларнинг вояга етмаган ёки вояга етган, лекин меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ака-ука ва опа-сингилларига, доимий тарбияда бўлганларнинг ўз тарбиячиларига, ўғай ота ва ўғай онанинг ўғай ўғиллари ва ўғай қизларига, ўғай ўғиллар ва ўғай қизларнинг ўғай ота ва ўғай онасига таъминот бериши ҳам **39-саволнинг жавобида айтиб ўтилган тартибда** бўлади.

1.13. Алиментларни тўлаш ва ундириш тартиби

41. Алиментни ихтиёрий равишда тўлаш инсоф, диёнат белгиси, шундай бўлса-да, қонунчиликда уни қай тартибда амалга оширилганини маъқул ҳисоблайдилар?

Алиментни ихтиёрий равишда одатда икки усулдан бири билан тўлаш тавсия этилади. Биринчи усулга кўра, алимент тўлаши шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан тўлайди.

Иккинчи усулга кўра, алимент ихтиёрий равишда алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг аризасига мувофиқ унинг ишлаб турган жойида ёки пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойида тўланади.

42. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув алимент муносабатларида қандай усуллар сирасига киради?

Алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиб, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим. Унда тўлашни шарт бўлган алимент миқдори, шартлари, уни тўлашнинг усуллари ва тартиби белгиланган бўлади.

Вояга етмаган болаларга алимент тўлаш тўғрисидаги келишувга биноан тўланадиган алиментнинг миқдори, **Оила кодексининг 133-моддасида** белгиланганидек, алимент суд тартибда ундириладигандаги миқдордан кам бўлмаслиги керак.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишув бўйича алиментлар: алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг иш ҳақи ёки бошқа даромадига нисбатан улушларда; вақти-вақти билан пул тарзида тўланадиган қатъий суммада;

пул билан бирйўла тўланадиган қатъий суммада; мол-мулк билан; келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўланади.

Нотариал тартибда тасдиқланган алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга.

Келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгаририлиши ёки бекор қилиниши мумкин. Унинг бажарилишини бир тарафлама рад қилишга ёки шартларини бир тарафлама ўзгарилишига йўл қўйилмайди.

Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни тўзган эр ва хотин (тарафлар) уни ўзгаририши ёки бекор қилиш хусусида ўзаро келиша олмаса, манфаатдор тараф келишувни ўзгаририши ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

(Давоми бор)

Янги осмонўпар бино яратилади

"Граунд зеро" номини олган Манхэттеннинг куйи қисмида бўшаб қолган жой Нью-Йорк аҳолисига 2001 йил 11 сентябрнинг муҳтис фожиясини эслатиб туради.

Яқин кунларда бу ерда немис архитектори Даниел Либескинд лойиҳаси бўйича янги Бутунжаҳон савдо марказининг (БСМ) қурилиши бошланади. Ушбу Марказ биносини тиклаш бўйича тақдим этилган 500 га яқин лойиҳадан ҳайбат аъзолари айнан шунисига яқдиллик билан овоз бердилар.

Либескинд лойиҳасига кўра, бу ерда қуш пати шаклида 541 метрлик осмонўпар бино қурилиши режалаштирилмоқда. Унинг атрофида бешта 70

қаватли бино қад кўтаради. Шунингдек лойиҳадан музей ва иккита хотира мажмуи — "Қаҳрамонлар боғи" ва "Нурли чўққи" — ўрин олади. Эътиборлиси шундаки, "Нурли чўққи", ҳар йили 11 сентябрь тонгида куёшнинг нурлари тўғри унга тушадиган ва қўшни иморатларнинг соясида қолиб кетмайдиган қилиб қурилади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, янги савдо марказининг қурилиши 10 миллиард долларни ташкил этади.

Лойиҳага кўра, бу ерда янги вокзал қурилиши билан бирга автоуловлар қатнайидиган йўллар ҳам қайта тикланиб, Нью-Йоркнинг транспорт тизимига уланади.

Янги савдо марказини бар-

по этиш учун маблаглар йирик тадбиркорлардан, хусусан, Бутунжаҳон савдо марказини 99 йилга ижарга олган Лэрри Силверстайннинг компаниясидан олиниши мўлжалланмоқда. Бироқ, компаниянинг қурилишга қўшадиган хиссаси, ўз навбатида, унга етказилган зарар учун суғурта компаниялари тўлаши лозим бўлган катта миқдордаги пулга боғлиқ.

Нью-Йорк штати губернатори Жорж Патакининг режаларига кўра, БСМнинг қурилиши фожиянинг икки йиллиги арафасида бошланади ва 2008 йилда тугатилиши режалаштирилган.

Б.Мамажонов
"Жаҳон" АА,
Нью-Йорк.



Китоб — билим булоғи

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

2-8 ИЮНДА:

БУГУН Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Ф.Шермухаммад асари «Қудук тубидаги фарёд» спектакли соат 18.00 да бошланади.

◆ Халқлар Дўстлиги саройида 2-5 июнь кунлари танқили хонанда Мавлуда Асалхўжаеванин янги концерт дастури соат 19.00 да намойиш этилади.

3 ИЮНДА:

◆ Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Наврўза» спектакли соат 12.00 да бошланади.

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Сехрланган шаҳзода» спектакли соат 11.00 да намойиш этилади.

4 ИЮНДА:

◆ Алишер Навоий номидаги Давлат академик Катта театрида «Богчасарой фонтани» балети соат 18.00 да бошланади.

◆ Ўзбекистон Ёшлари театрида «Қумдаги аёллар» спектакли соат 18.30 да намойиш қилинади.

5 ИЮНДА:

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида Х.Расул асари «Пири коинот» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

◆ Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрида С.Сирожиiddинов асари «Осмоннинг бағри кенг» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

◆ Республика қўғирчоқ театрида «Ассалом, Наврўз» спектакли соат 10.00, 12.00 да бошланади.

6 ИЮНДА:

◆ Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида М.Хасанов асари «Ерим кетаман дейди» спектакли соат 14.00 да намойиш этилади.

◆ Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Шекспир асари «Гамлет» спектакли соат 18.00 да бошланади.

7 ИЮНДА:

◆ Халқлар Дўстлиги саройида 7-8 июнь кунлари ҳушовоз хонанда Ойпопук Эшонқонованин «Боримсан муҳаббат» деб номланган концерт дастури соат 19.00 да намойиш қилинади.

◆ Йўлдош Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театрида «Осмондан танга ёққан кун» спектакли соат 11.00 да бошланади.

8 ИЮНДА:

◆ Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Имомов асари «Суперқайнона-2» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

• УЧРАШУВЛАР

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни юксак маънавиятга, бой маданиятими зинада юксалтириш ва уни кўз қорачиғидек сақлаш руҳида тарбиялаш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир. Бу борада давра суҳбатлари, қизиқарли учрашув ва тадбирлар айнан мана шу мақсадларни кўзда тутиб ўтказилмоқда.

ТААССУРОТЛАРГА БОЙ ЎТДИ

Кунни кеча Бектемир туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан тумандаги 293-мактабда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда қизиқарли учрашув ташкил этилди.

Тадбирда республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, шу марказ бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди Акром Акмалов, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича етакчи мутахассис Махмуджон Тўйчиевлар сўзга чиқиб, маънавий-маърифий йўналишлар бўйича бугунги куннинг энг долзарб вазифалари — буюқ тарихимизни ўрганиш, Ватан туйғусини юксалтириш, миллий қадрият ва аъёналарни улуғлаш ҳақида фикр юритдилар.

Ўқувчилар ўзларини қизиқтираётган масалалар ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, саволларига тўлақонли жавоблар олдилар. Ёшларга ҳар томонлама маъқул бўлган ушбу учрашувнинг нечоғли катта аҳамиятга эга бўлганини, ҳеч кимни бефарқ қолдирмаганини қизғин баҳс-мунозарадан ҳам сезиш мумкин бўлди.

Тадбир сўнггида мактаб бадий ҳаваскорлари ижросида янраган куй-қўшиқлар эса йиғилганлар қалбига ийжилик бағишлагани шубҳасиз.

Холида ИСКАНДАРОВА

Шарқ дурдоналари

03-03 Ўзганиб Домо бўлур...

● Авлосиз ҳаёт тонги ва оқшоми файзсиз, кундузи эса — ғамгин.

● Севги — ажиб бир гул, аммо тубсиз жар ёқасида ўсган бу гулга яқин бормоқ ва узмоқ учун жасорат керак.

● Севги ўзида инсоннинг ҳамма эзгу фазилатларини муҷассамлантиради.

● Аёл — буюк сўз, унда қизлик мусаффолиги, дўста хос фидойилик, она жасорати таркиб толган.

● Севги худди чакмоқ каби қудратли, аммо момақалдироқсиз чакмайдди. Унинг энг кучли зарбалари ҳам ёқимлидир.

● Донолар айтади: севгининг худди инсон ҳаётига ўхшаган ўз тараққийёт қонунлари, ўз мавсумлари бор. Уни гуллаб-яшнаган баҳори, ёндир-гудек ёзи, охир-оқибат кузи ҳам келадик, у баъзилар учун иссиқ, чарогон ва серхосил бўлса, айримлар учун совуқ, чирик ва мевасиз келади.

● Ҳар бир севги ўзича чин ва ғўзалдир. У бошда эмас, юракда бўлмоғи керак.

● Муҳаббат бамисли олов, қаловсиз қолдими ўчади.

Байт:

Ҳаяжон тўлқини, ҳасрат,
табассум,

Ширин хаёллару, жон
олар масъум.

Нозик иболару сенгадир
исён —

Муҳаббат соҳиби бахтиёр
инсон.

● Рашк ошиқ учун азоб-ўқубат, машуққа унён ранж-изтироб манбаидир.

● Дунёда инсон юрагини жирканч манзаралар билан тўлдириб рашк каби ҳўрловчи кулфат бўлма-са керак.

● Рашкнинг муҳаббати кўпроқ нафратга ўхшаб кетади.

● Аёл муҳаббатидан жудо бўлган одам бу севгини сақлаб қололмагани учун фақат ўзини айблаши мумкин.

● Рашк шубҳалари кўтқуси билан мутлақо гуноҳсиз одамни ҳам ҳақоратлаб қўйиши мумкин.

● Шундай олижаноб муҳаббатлар борки, улар рашкка мутлақо ўрин қолдирмайди.

● Донолар айтади: оқила рафиқа! Агар сен эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушқинги токи у ҳеч ерда сенинг хузурингдаги каби роҳат-фароғат ва мулоимликка дуч келмасин.

● Чинакамига севган одам рашк қилмайди. Муҳаббатнинг асл моҳияти — ишонч. Бордию муҳаббатдан шу ишончнинг тортиб олингичи, унда сиз унинг ўз кучига бўлган ишончи, давомийлиги, жамки нурафшон томонлари — бинобарин, барча улғурворлигини тортиб олган бўласиз.

Байт:

Кўча севгиси уйни
барбод этар,

Уйингни хотин меҳри
обод этар.

● Дунёда ҳалол одамдан буюроқ зот йўқ.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани беъади.

● Виждонли одамлар учун ҳалоллик саводли одамлар учун илм қанчалик зарур бўлганидан ҳам кўра қимматлироқдир.

● Ҳалол яшаганинги билиб турсанг, ҳаёт нашьали ва осон туюлади.

● Бир умр бахтли бўлишни истасанг ҳалол одам бўл.

Аслида яқин ўтмишда Р.Муҳаммаджонов сценарийси асосида суратга олинган «Танғалик болалар» бадиий тасмасининг таркибий қисми бўлмиш композитор Мирҳалил Маҳмудовнинг мусиқаси кенг ёйилиб кетди. Уни концертларда ҳам, сурнайчининг «репертуари»да ҳам тез-тез учратиш тўрамади. Режиссёр Темуралиқ Юнусов қўшиқ ва рақслар ёрдамида ўзбек кишлоғининг чиройини, қизалоқларнинг хуш кайфиятини, севги дардига учраб сўз билан айта олмаган гапини куй, хуш овози, нафис ҳаракати ила маҳбубига билдираётганларни таърифлайди. Шунинг ҳам қайди қилиб ўтардимки, сценарийдаги, ижродаги айрим нуқсонлар мусиқа туйғули сезилмай ҳам қолади баъзан. Бу ўринда режиссёр Т.Юнусов Бойсунда кўп халқ

бўлиб кетган вальс, «Меҳри холянинг орзуси», «Сўзсиз ашула» каби мусиқа асарларининг ёзилиши, комедияга киритилиши қандай бўлган? Бу саволни халқ артисти, режиссёр Шўхрат Аббосовга бердик.

— Сценарий тайёр бўлганида мен дарҳол композитор Манас Левиев билан учрашдим. У ёзган мусиқа менга жуда маъқул бўларди-да. Халқ куйларини яхши билар, шу билан ўзи мустақил равишда ижод этишга, оригинал асарлар яратишга интилар эди. Унинг хазинасида бири биридан чиройли оҳанглр кўп ва ранг-баранг эди. Бир чойнак чойни ичиб бўлганимизча қанчадан-қанча куйларни топар, хиргойи қилиб айтиш ҳам берарди. Мен «Манас ака, фильммииз жанрига, воқеаларга, қаҳрамонларининг

— Нима сабабдан айнан Азиза Саиджўжаева бу ашулани айтган?

— Чунки Азизахоннинг ёши фильминимиз қаҳрамонининг ёшига анча яқин эди. Кейин овоз, тембр ҳам бир-бирига яқин эди.

Шўхрат Аббосов билан «Маҳаллада дув-дув гап» асарининг мусиқали қисмлари ҳақида сўхбатлашиб кўп маълумот олдик. Режиссёр эса «Меҳри холянинг орзуси» мусиқаси икки-уч эпизоднинг мазмуни, кўтаринки руҳини белгиллаб берганини айтди. Маъқур кадрларда Меҳри холя — артист Лутфиҳоним Саримсоқова бирорта сўзни талаффуз этмайди. Фақат тасвир ва мусиқа эътиборимизни тортиб туради: самоварини ариқ бўйида ювиб ўтирган Меҳри холянинг йирик лани берилади, сўнгра унинг орзуси «экранлаштирилади»: айлов, хонтахта устида қайнаб турган самовар. Тўрда савлат тўкиб ўтирган Меҳри холя. Унинг ёнида сочи ерга тегиб турган келинчақ хизматга тайёр. Кўчадагилар эса Меҳрихоляга, унинг аҳил оиласига ҳавас билан қарашади. Ана шу кадрларнинг Манас Левиев басталаган нафис садо билан ўзвий боғлиниб кетиши, яхлит эпизодни ташкил этиши хар биримизнинг ёдимизда.

Биз сўхбатга торган режиссёр Шўхрат Аббосов бошқа композиторлар билан ҳам самарали ижод этган. В.Троцюк Шўхрат аканинг тақлифига биноан «Муҳаббат моҳароси» кинодрамасига ёзган муси-

қасининг мазмуни ҳам теран, кадрларда намён бўлган тасвир билан чамбарчас боғлиқ. Шу асар ҳамда унинг мусиқаси ҳақида ҳикоя қилиб беришни илтимос қилганимда, режиссёр:

— Сценарийни ёзувчи Саид Аҳмад билан ёзаётган пайтдаёқ композитор В.Троцюкка мурожаат этган эдим. Шунда бу композитор ҳам ўзининг шартини қўйди.

— Мен сценарийни ўқиб чиқай. Мусиқа ёзай. Сиз эшитиб кўринг. Маъқул бўлса, фильмга тўғри келса, ҳамкорлик ҳақида битим тузайми. Фильмингизга менинг асарим ёт бўлса, тўғрисини айтаяверинг. Хафа бўлмайман. Композиторлар кўп. Улар сиз билан бажонидил ишлашига ишонаман, деб қолди.

«Майли ёзиб кўринг» дедим. Ёзди. Оркестровка ҳам қилди. Менга эшиттирди. Шундай чўқур мазмуни, ички драматизмга бой мусиқали композиция яратибдики, қойил қолсан. Мазза қилиб тингладим-да, «Йўқ бўлмайди бу асар», дедим. — Сиз мусиқангиз билан фильмнинг воқеаларини, уларнинг ечимини айтиб берибсиз-ку. Бизга иш қолмабди. Яхши бир-икки чолғу ижро этадиган шундай куй топингиз. Унда дастлаб фронтдан омон қайтган ўзбек йигитининг қувончи, соғинчи таъқилдансин. Кейин эса ўз ёридан, фарзандидан ажралган ўша йигитнинг оғир психологик ҳолатини таърифлашга ёрдам беринг. Нихоят, азоб-ўқубатларга бардош берган, ўз бахтини топган, метин иродаси туйғули қилиб чиққан йигитнинг руҳиятини ифода этишга кўмаклашинг», деган эдим В.Троцюк: «Бўлди, фикрингиз, гоангизни англадим. Мен сиз билан ишламай», деб жавоб берди. У билан ҳамкорликка ижод этдик, «Муҳаббат моҳароси» фильмининг яратилиши жараёнида менга фикрдош бўлган бу композитор кинони, унинг имкониятлари ҳамда чегараларини ҳамма ўрганиб боришдан мамнун бўлдим.

Бугун биз икки-уч ўзбек бадиий фильмга ёзилган мусиқа,бу асарларда ижро этилган рақс ҳақида ҳикоя қилдик. «Ўзбекистон»нинг маҳсулоти ўсиб бориши, сифати яхшилланиши ҳақида фикр юритилганида киному-сика тилга олинши табиий. Зеро кино синтетик санъат бўлиб, мусиқавий бизакларни ҳеч қачон инкор этмаган.

Ҳамидулла АКБАРОВ

• САНЪАТШУНОС ЎЙЛАРИ

МУСИҚАНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Ўзбек бадиий киносининг кўпгина асарларини ашула, рақс, куй орқали хотираларга сақлаб қолганларни кўп учратаман. Фильмининг номини, режиссёрини эслай олмайдилар-да, «Эй сарви равон», «Дўппи тикдим», яна «Ўрик гуллаганда» куй, ашула, рақс илк бор ижро этилган кино асари десам, дарҳол «Ёр-ёр», «Маф-тунингман», «Ойдин саҳифа» тасмаларини тилга олишадди. Шу боисдан бадиий фильмларимизда мусиқа фақат кадр ортда янграшига қўниқиб қолдик. Фильмда рақс тушилса, дейдиганлар ҳам кўпайиб қолди.

ёши, кайфиятига мослаб мусиқа ёзиб беринг», десам ҳеч қайси кинокомпозитор айтмайдиган гапни айтиб қолди-лар. «Мен суратга олиш майдонча-сига бораман. Актёрлар билан қандай ишлашнингизни кўраман, гапларингизни эшитаман, кейин мусиқа ҳақида гаплашамиз», дедилар-у эртасига павильонда ҳозир бўлдилар. Мен камера олдида, ёнимда Манас ака чой дамлаб ингандек, менга ҳам кўк чой узатгандек бўлардилару кўлоқлари бизда — актёрларда, режиссёр ва операторларда. Мен эса қаҳрамонларимни ҳолатга олиб киришга ҳаракат қилардим, гоҳ Меҳри холяни, гоҳ Арслонбекни, гоҳ Розохон Ризомухаммадовани, гоҳ Ҳамза Умаровни ва бошқа актёрларнинг роляларини тушунтирмоқчи бўлардим. Гапларни обдон эшитган эдим, фильмнинг ҳозир стилистикасини англаган композитор «Шўхратжон, комедиангизни бемалол олаверинг. Мусиқаси чўнтагимда девяверинг» дедилар-да, студияни тарқ этдилар. Бир-икки ҳафтадан кейин кўришдик. «Мусиқа тайёр. Лекин сизга қалиб бермайман. Оркестровка қилишим керак. Яъни ҳар бир чолғу куйни қандай қилиши лозимлигини ногага ёзиб кўрсатишим керак» деганларида мен норози бўлганимни сездилар, шекли... Лекин бир воқеани сизга айтиб, қалиб бераман. Узимга жуда маъқул, деганларида мен «Йўқ, вальс ўзбек фильмига тўғри келмайди. Эшитмайман ҳам», деб тескари қараган эдим, хиргойи қила бошладилар. Эндиликда томошабин ва тингловчи билладиган вальс — «Маҳаллада дув-дув гап» комедиясидаги вальс янграй бошлади. Фурсат ўтмай, мени пианино ёнига бошлаб келдилар-да чала бошладилар. Шундай ёқди менга бу вальс! Ўзбекча вальс. Вальс ритмидаги ўзбекча куй шўнчалик жозибали эдики, мен муаллифини пианино олдида бағримга босдим, табриқладим. «Ҳеч кимга айтмайсиз, ижро этмайсиз. Фильмингиз кўрган биринчи томошабин вальсини ҳам биринчи марта эшитадим», дедим. Шундай бўлди.

— Шўхрат ака, вальс икки-уч эпизодга мосланиб ёзиляпти. Сўзсиз ашула — хонанда Азиза Саиджўжаева айтган ашуланинг ёзилиши ўзгача бўлгандир. Зеро фильм қаҳрамонлари ўша куйни эшитиб, унга муносабатларини билдирганлар.

— Баъзан шундай ҳам бўлади. Мусиқа ёзилиб унинг ритми, оҳанги, ижроси назарда тутилиб қадр белгиланади.

Гулнорахон Маваева эса: — Эргаш Йўлдошев ашула айтган, мен эса тоғдаги бир кишлоқнинг томига чиқиб рақс тушган эдим. Манзарадан, қишлоқ ахлидан илхом олганмиз. Сценарий бўйича юзиччи баҳорини қаршилаган отахонининг туйғида мен рақс тушиб уни қутлашим керак эди-да. Мен эмас, кўпроқ мени қутладди. Ёшу қари йиғилиб эрта тонгдан хуфтонга қадар биз билан бирга бўлар эдилар. Ўша унутилмас дақиқалар фильмда ўз аксини топганидан беҳад хурсандман, — деб «Ёр-ёр» фильмига тегишли маълумотларни берадилар.

Кўпчилики «Маҳаллада дув-дув гап» фильмининг мусиқаси қизиқтириши барчага аён. Унда биринчи марта янграган, кейинчалик машҳур

Атокли ёзувчи, кинодраматург Раҳмат Файзий «Ёр-ёр» сценарийси ва фильмини назарда тутиб:

— Ҳамидулла, шундай мусиқали комедиялар кераклигини, зарурлигини кинотеатрларда бўлганимда кўрдим. Ўзим бу сценарийнинг барча саҳифаларидан қониқмайман. Лекин томошабин ҳўзил-мўтойибани, ашула ва рақсини кўриб, тинглаб биз йўл қўйган нуқсонлар ҳақида эмас, қувнок эпизодлар, ижро, мусиқавий безаклар ҳақида сўзлашарини мени ўйлантириб қўйди. Мусиқанинг сеҳрли кучини ҳисобга олган ҳолда мукаммал сценарий ёзишни мақсад қилиб қўйдим, — деган эдилар. Ўша кезлари «Ёр-ёр» Тошкентда ҳамда Москвада кўрсатилаётган эди.

Гулнорахон Маваева эса:

— Эргаш Йўлдошев ашула айтган, мен эса тоғдаги бир кишлоқнинг томига чиқиб рақс тушган эдим. Манзарадан, қишлоқ ахлидан илхом олганмиз. Сценарий бўйича юзиччи баҳорини қаршилаган отахонининг туйғида мен рақс тушиб уни қутлашим керак эди-да. Мен эмас, кўпроқ мени қутладди. Ёшу қари йиғилиб эрта тонгдан хуфтонга қадар биз билан бирга бўлар эдилар. Ўша унутилмас дақиқалар фильмда ўз аксини топганидан беҳад хурсандман, — деб «Ёр-ёр» фильмига тегишли маълумотларни берадилар.

Кўпчилики «Маҳаллада дув-дув гап» фильмининг мусиқаси қизиқтириши барчага аён. Унда биринчи марта янграган, кейинчалик машҳур

Футбол

Тайёргарлик давом этмоқда

Эрон ва Ўзбекистон олимпия терма жамоалари ўртасида Тошкентда ўтказилган саралаш учрашувидан кейин бош мураббий Виктор Жалилов ўрнига тайинланган Виктор Борисов Техронда ўтадиган жавоб учрашувида ўзбекистонликларнинг галаба қозонишларига умид қилмоқда. Ҳозирда ушбу беллашувга қизгин ҳозирлик кўраётган олимпиячиларимиз таркибда ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси эронликлар билан жавоб учрашувини ўтказиш учун 5 июнда Техронга жўнаб кетишади.

Янги номлар кашф этилди

Хоразмда мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг 12 тури бўйича ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақалари футбол сир-асрорларини ўрганишга астойдил интилаётган ёш футболчилар номини кашф этди. Ушбу мусобақаларни бевосита кузатган мутахассислар Григорий Айрапетов, Исҳоқ Ибрагимов, Машхур Разоқов, Александр Мерединов, Бехзод Муқимов, Сухроб Неъматов, Умид Файзиев, Анвар Алматов, Жонибек Курнобоев ва Мансур Авазовларнинг ўйинларидан қониқиб ҳосил қилганликларини, шу боисдан бу ёшлардан келажақда мохир чарм тўп усталари этишиб чиқиши мумкинлигини таъкидлашди.

Ёш тоифаси кўпайди

Мамлакатимиз маҳаллалари жамоалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» турнирида болалар ва ўсмирлар ўртасида иқтидорли футболчилар этишиб чиқаётганини исботлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Шуниси қизиқки, илгари «Футболимиз келажаги» турнири асосан уч хил ёшдаги жамоалар ўртасида уюштириларди. Эндликда ушбу турнирнинг аҳамиятини янада ошириш мақсадида мутасаддилар ташаббуси билан жорий йилдан 9-10, 11-12, 13-14, 15-16 ёшдаги болалар голиблик учун ўзаро кураш олиб боришади.

Галаба келтирган ягона гол

Фарғонада ўтказилган мамлакат XII миллий чемпионатининг «Нефтчи» — «Анджон» учрашуви билан 10-турига яқин ясалди.

Шуни айтиш жоизки, чемпионат пешқадами «Пахтакор»дан кейинги ўринда бораётган фарғоналиклар «Анджон» билан кечган мurosасиз беллашувда Анвар Бердиев томонидан киритилган ягона гол туғайди 1:0 ҳисобида галаба қозонишди ва муҳим уч очкога эга бўлишди.

Навбатдаги 11-тур баҳслари эса эртага ўтказилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

НАСЛЛАРИМИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН

Республика Олий Мажлисининг Оила ва аёллар муаммолари комиссиясида «Йод тақчиллиги муаммоси ва уни ҳал этиш йўллари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Бугунги кунда йод ва темир моддаси танқислиги бутун дунёдаги долзарб муаммолардан ҳисобланади, деб таъкидлади оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси Шарифа Салимова. Ер шарى аҳолисининг учдан бир қисми мазкур ҳасталикка чалинган. Касалликнинг асосан болалар, ўсмирлар, туғи ёшидаги аёллар ўртасида кенг тарқалганлиги ташвишли ҳолдир. Тарқалиш чегараси ҳамда етказилаётган иқтисодий ва ижтимоий зарари бўйича дунёдаги ҳеч қандай касаллик йод ва темир моддаси танқислиги билан тенглаша олмайди. Бунинг аянчли асорати эса нафақат миллатнинг интеллектуал заковатига салбий таъсирида, балки оналар ва болаларда умумий касалликлар ҳамда ўлим ҳолатларининг ортиб боришига ҳам олиб келаётганида кўринади.

Анжуманда сўзга чиққан маърузачиларнинг қайд этишича, республикаимизда сўнги йилларда бу муаммони ҳал этиш бўйича ЮНИСЕФ, ЮСАИД, Осие Ривожланиш банки каби халқаро ташкилотлар билан ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. 2001-2002 йиллар давомида Япония ҳукумати сармоиси ҳисобидан Осие банки гранти лойиҳаси асосида оналар ва болалар овқатланишини яхшилаш мақсадида Ўзбекистонга бир миллион икки юз минг АҚШ доллари мик-

дориде маблағ ажратилди. Ушбу грант дастури асосида Осие Ривожланиш банки томонидан Ўзбекистон аҳолисини бойитилган ун ва ун маҳсулотларига эҳтиёжи 33 фоизга, йодланган ош тузига бўлган эҳтиёжи эса 66 фоизга таъминланиши режалаштирилган. Айна лайд-да ажратилган иқтисодий ёрдамнинг бир миллион 142 минг АҚШ доллариға марказлашган тарзда техник ёрдам сифатида ўн тўртта ун ишлаб чиқариш корхона ва ўн учта ош тузи ишлаб чиқариш корхонасига технологик жиҳозлар ҳамда бойитувчи моддалар олиб берилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳани амалда тадқиқ этиш бўйича чора-тадбирлар режаси инвестицион режа асосида бажарилмоқда. Жумладан, «Ўздонмахсулот» ДАК корхоналари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари кенгайиб, инсон организмизда темир моддаси танқислигининг олдини олиш мақсадида нон ишлаб чиқарадиган корхоналарда феррамид моддаси билан бойитилган нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Шунингдек, анжуманда Ўзбекистонда ўтган йили йод танқислиги ҳолатларини кимёвий жиҳатдан баҳолаш мақсадида республиканинг турли ҳудудларидан олинган ишлаб чиқариш, сотув ва истеъмол босқичидаги тузларнинг

намуналари ўрганилганда ишлаб чиқариш босқичида ҳамма тузлар йодланаётганлиги, лекин текширилган намуналарнинг деярли бешдан тўрт қисмида йодлаш даражаси амалдаги меъёрий даражаларидан паст эканлиги тўғрисида ҳам тўхтаб ўтилди.

Биокимёвий кўрсаткич натижалари ҳам республика аҳолисининг ярмига яқинида йод микдори етарли даражада эмаслигини кўрсатган. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ош тузини қайта ишлаш лойиҳаси шугулланадиган барча корхоналарда тузи йодландиған курилма ва ош тузида йод микдорини аниқлайдиган лаборатория бўлиши лозимлиги, шунингдек бозорлардаги тузлар сифати устидан санитария-гигиена назорати доимий равишда амалга ошириб борилиши зарурлиги ҳам таъкидланди.

Илмий-амалий анжуман сўнгида бу борада олиб борилаётган ишларни мувофиқлаштириш, умумий ёндашувларни шакллантириш, тегишли бошқарув органлари ва илмий муассасалар ҳам олимлар ўртасида яқиндан амалий ҳамкорлик олиб боришни кучайтириш, мазкур муаммо билан боғлиқ масалаларни тартибга соладиған қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

«Туркистон-пресс»

ХАНДАЛАР

— Хўш ўғлим, биринчи дарс қандай ўтди? — сўради илк бор мактабга борган ўғлидан ота.

— Етарли эмас, дадажон, эртага яна боришимиз керак.

— Онажон, менга бироз пул беринг!

— Пулни нима қиласан?

— Пастда бир киши туриб олиб бақиряпти.

— Нима деб бақиряпти, ўша киши?

— Музқаймоқ, деб ойижон!

— Дадажон, бир бўлак торт еб оласизми? — сўради ўғил газета ўқиб ўтирган дадасидан.

— Раҳмат, ўғлим, егим келмаяпти.

— Дада, энди сиз мендан сўранг!

— Ўғлим, сени яхши кўрганимдан жазолайман-да, — деди меҳрибон ота.

— Аммо, дадажон, шунчалик муҳаббатингизга лойик эмасман.

— Нега ёмон баҳо олдинг? Ўқитувчини саволини тушунмадингми? — сўради ота мактабдан «икки» баҳо олиб қайтган ўғлидан.

— Йўқ, — дадажон. Ўқитувчи мени жавобимни тушунмади, чоғи, — деди ўғли.

— Бугунги кундаги кўп тарқалган ҳасталиклардан бири, хонада кўп ўтириш, очик ҳавога чиқмаслик. Мен сизга умуман дори-дармон ёзиб бермайман, чунки сизнинг касалингиз ҳам ана шундай ҳасталик. Яхши сиз ҳар куни икки соат ҳавода сайр қилинг. Бир ойдан сўнг эса менинг олдимга мутлақо бошқа одам бўлиб келасиз.

— Хўп бўлади, — деди бемор ва доктордан сўради. Айтинги жаноб, доктор, ишдан олдин сайр қилганим маъқулми ёки кейинми?

— Касбингиз нима? — сўради доктор.

— Хат ташувчиман, — жавоб берди бемор.

— Менинг маслаҳатларимга риоя қилдингизми? — сўради врач уйқусизлиқдан азоб чекаётган бемордан.

— Ха, албатта, — жавоб берди бемор. Ҳар куни уйқудан олдин 37 677 гача санаялман.

— Шундан кейин ухлаб қолаётгандирсиз? — сўради врач бемордан.

— Йўқ, санаб бўлганимда ўрнимдан туришимга тўғри келяпти, чунки шунча сонни санаб бўлганимча тонг отиб қоляпти-да!

Немисчадан Шухратхон ИМЯМИНОВА таржимаси.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Аҳоли диққатига!

2003 йил 1 июндан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди, аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт/соат электр энергиясининг нархи 13 сўм 10 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 6 сўм 55 тийин белгиланди.

Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси очик ҳиссадорлик жамияти.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Кадыров Фарҳод Абдуаманович номига берилган А 041966 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Чилонзор туманидаги маданият ва истироҳат боғи жамоаси Фуркат номидagi боғ баҳарчи Содиқжон Собировга онаси **ЎФИЛОЙ ҲОЖИ онанинг** вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.



Исмингизни айтиб юборинг, яхши қиз... Абдурашул Ҳакимов чизган расми.

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзил: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Маъсус: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
5952 нусxada босилди. Кредит бирими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиққди.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида Юрқоним билан рубрикта нашрланади

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишни тўхтатиш мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқаруви.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.